

PAPER

## АРАБЧА ЎЗЛАШМАЛАРДАГИ СЕМАНТИК ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА

Амонов Мухторжон Умарович<sup>1</sup> and Зикиряева Хуршидахон Тохиржон қизи<sup>2</sup>, \*

<sup>1</sup>ФарДУ Тилшунослик кафедраси доценти, Филология фанлари фалсафа доктори (PhD) and <sup>2</sup>Фарғона давлат университети 2-босқич магистранти

\*hurshidahont@gmail.com

### Abstract

Араб тили ўзбек тилининг бойишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Ушбу мақолада арабча ўзлашмаларнинг ўзлашиш жараёни босқичлари, уларнинг тил тизимида шаклланиши ҳамда семантик ўзгаришлари тизимли тарзда ўрганилади. Мақолада шунингдек, ўзлашма турлари ва уларнинг ўзбек тилида қандай интеграциялашуви таҳлил қилинади. Тадқиқот ҳозирги ўзбек тилшунослигида арабча ўзлашмаларнинг семантик ҳолатини чуқурроқ очиб беришга хизмат қиласди.

**Key words:** арабча ўзлашмалар, ўзлашиш босқичлари, семантик ўзгариш, торайиш, кенгайиш, нейтраллашув, салбийлашув.

### Кириш

Ҳозирги ўзбек адабий тилига араб, форс, рус, мӯғул, лотин ва бошқа тиллардан тарих давомида минглаб сўзлар ўзлашган, тилимиз ташки манба орқали бойиган. Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасининг тахминан 20 фоизи арабча, 10-12 фоизи форс-тоҷикча сўзлардир. Албатта жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, маълум бир услубда арабча, форс-тоҷикча ўзлашмалар кўпроқ, бошқа бирида озроқ учраши мумкин. XV аср ёзма адабий тилида араб ва форс-тоҷик тилларидан олинган лексик қатламнинг миқдорий нисбати 60% га борар эди. Ўзбек тили лексикасининг маълум қисмини арабчадан ўзлашган сўзлар ташкил қиласди. Тилшуносларнинг фикрича, бир тилдан иккинчи тилга бирор тушунча ёки предметнинг номи сифатида асосан сўз ўзлашади. Арабча ўзлашмалар ўзбек тилида ҳаммаси ҳам ўз маъносида қўлланмайди, айримларининг маъноси ўзбек тилига ўзлашганда араб тилидаги маъносига нисбатан кенгайган бўлса, бошқаларининг маъносига аксинча торайган, баъзи ўзлашмалар аслиятдаги маъносига нисбатан зид маъносини англатса, бошқалари асл маъносидан узоқлашган.

### Адабиётлар таҳлили ва методология

Ушбу тадқиқотда арабча ўзлашма сўзларнинг семантик ўзгаришларини таҳлил қилиш учун тавсифий (дескриптив) ва таҳлилий усуслар қўлланилди. Ишда сифат ва миқдорий ёндашув асосида ишлов берилди. Аввало, замонавий ўзбек тилида фаол ишлатилаётган арабча келиб чиқишига эга сўзлар корпуси тузилди. Бу корпус изоҳли лугатлар, илмий мақолалар, дарслклар ва лингвистик манбалар асосида тузилди.

Кейинчалик ушбу сўзлар ўзлашиш турига кўра таснифланди ва уларнинг маънодаги ўзгаришлари бўйича илмий таҳлил қилинди. Ҳар бир семантик ўзгариш синхрон ва диахрон тилда ўрганилиб, классик ва замонавий ўзбек матнларидан, оммавий ахборот воситалари тилидан ва орзаки нутқдан мисоллар билан асосланди. Бундан ташқари, семантик ўзгариш ва лексик ўзлашма бўйича илгари сурилган лингвистик назариялар ҳам кўриб чиқилиб, уларнинг ўзбек тилига нисбатан тадбиқи таҳлил қилинди. Тадқиқотда фаразларга эмас, балки реал лингвистик далилларга асосланган ёндашув устувор бўлди.

## Натижалар

Араб тилида лаҳм *لحم* гўшт маъносини англатса, ўзбек тилида у суяксиз гўшт маъносини англатиб, асосан лаҳм гўшт тарзида аниқловчи вазифасида кўлланади. Басир сўзи араб тилида кўрувчи, кўзи ўткир маъноларини англатади оллоҳ таълононинг сифатларидан бири саналади: *بصیر تعلومن*... Инналлаҳа бима таъмалуна басиран. Дарҳақиқат, Оллоҳ нима қилаётганингизни кўриб тургувчиидир(Бақара сураси 110-оят). Ўзбек тилининг изоҳли лугатида эса ушбу ўзлашма сўз кўр маъносини англатиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, *كىن* кунфаякун сўзи Куръони каримда “Оллоҳ бўл! деди, пайдо бўлди” маъносида келса, ўзбек тилида аксинча, йўқ бўлди, ер билан яхсон бўлди маъноларида келади. Касофат сўзи араб тилида қуюқ, қалин, қўпол маъноларини билдиради, ўзбек тилининг изоҳли лугатида эса ушбу сўз ёмон оқибат, баҳтсизлик, фалокат маъноларини англатиши кўрсатиб ўтилган.

Араб тилида қавм сўзи миллат, халқ маъноларини англатади, ўзбек тилининг изоҳли лугатида мазкур сўз бир авлоддан тарқалган, уруғ, аймоқ, қабила маъносини англатиши кўрсатиб ўтилган. Хуласа қилиш мумкин, мазкур сўзниң маъноси ўзбек тилига ўзлашганда араб тилидаги аслиятдаги маъносидан торайган. Мисол учун Миср араб республикасида “Миллий тадқиқотлар маркази” *الجعوه تقویی مرکز* Маркази қавмийул буҳус деб номланади.

Араб тилида жоҳил сўзи билимсиз, нодон, ахмоқ, тентак маъноларини англатса, ўзбек тилининг изоҳли лугатида қолоқ, маданиятсиз, нодон маънолари билан бир қаторда ўжар, қайсар, қийиқ маъноларини англатиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур сўз ўзагидан ҳосил қилинган яна бир сўз жаҳл араб тилида ахмоқлик, тентаклик, нодонлик, қоронгилик маъноларида кўллансанса, ҳозирги ўзбек тилида аччиғланиш, газабланиш маъноларини англатмоқда. Бироқ тарихий жиҳатдан қаралса, ушбу сўз ўзбек тилида ҳам билимсизлик, нодонлик маъноларида кўлланганини кўришимиз мумкин: Масалан Фурқатнинг “Илм хосияти” шеърида қуйидаги мисралар мавжуд:

*Дариғо Фурқати бешлм қолдим  
Ўзимни жаҳл зинданига солдим.*

Араб тилида замир *ذمیر* сўзи виждон, ақл, ният, ўй, хаёл, фикр каби маъноларни англатади, шунингдек, араб тили грамматикасида ушбу сўз олмош маъносини ҳам англатади, ўзбек тилининг изоҳли лугатида эса туб моҳият, маъно, мағиз маъноларини англатиши, эскирган сўз сифатида олмош маъносида ҳам кўллангани кўрсатиб ўтилган.

Замзама сўзи араб тилида минғиллаш, ғўлдираш, тўнғиллаш, гулдираш, қалдираш маъноларини англатса, ўзбек тилига ўзлашганда шахснинг, кўпинча хотинларнинг ўзига тегишли бўлган, тўплаб кўйган мол-дунёси, кимсада бор бўлган ҳар қандай нарса маъноларини англатади:

*Зебо пари енгил ҳалқ қўшиқларини замзама қилар эди...*

Бисот сўзи араб тилида гилам маъносини англатса, ўзбек тилига ўзлашганда шахснинг, кўпинча хотинларнинг ўзига тегишли бўлган, тўплаб кўйган мол-дунёси, кимсада бор бўлган ҳар қандай нарса маъноларини англатади:

Ҳайкал сўзи араб тилида жуда катта, улкан; ибодатхона, улкан бино маъноларини англатса, ўзбек тилига ўзлашганда эса, киши ёки ҳайвон гавдасининг гипс, тош, металл, ёғоч ва шу каби қаттиқ материаллардан йўниб, ўйиб ясалган тасвирига нисбатан кўлланилади.

Фитна сўзи араб тилида мафтун этиш, йулдан оздириш; исён, ғалаён маъноларини англатса, ўзбек тилига ўзлашганда ғаразли мақсадга эришиш йулида бирони қоралаш учун қилинадиган яширин хатти-ҳаракат маъносини англатади.

Алмисоқ сўзи араб тилида аҳд, касам; шартнома, битим маъноларини англатса, ўзбек тилига ўзлашганда маъноси бироз ўзгарган. Ҳозирги ўзбек тилида қадим замондан қолган, жуда эски маъноларида қўлланилади. Мисол учун алмисоқдан қолган нарса—ески, жуда қадимдан қолган буюм

Ҳашам сўзи араб тилида хурмат, эҳтиром, хизматкорлар, навкарлар маъносини англатса, ўзбек тилига ўтиб ўзлашганда безаш учун ишлатиладиган нарса, буюм, bezak маъноларини англатади.

Араб тилидан ўзлашган фаррош сўзининг ўзаги фараша, яъни ёймоқ, деган маънени англатади. Қадимда фаррош сўзи подшоҳлар саройида гилам ёювчиларга нисбатан кўлланилган бўлса, вақтлар ўтиши билан бу тушунча ўзгариб борган ва ҳозирги кунга келиб биз кўча-кўйда ҳовли, боғларни супуриб юрувчи, идора ва муассасаларда хоналарни тозаловчи ходимларга нисбатан фаррош сўзини кўллаймиз.

Махлуқ сўзи араб тилида яратилган нарса маъносини билдиради, ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида ўхшовсиз, жирканч, хунук жониворга нисбатли ҳақоратни ифодалаш семаси кучайган.

Фуқаро сўзи араб тилида фақир сўзининг кўплиги ҳисобланиб, яъни фақирлар маъносини билдиради, ўзбек тилига ўзлашганда бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган) аҳолиси сифатида ўзлашган, масалан Россия фуқароси, Англия фуқароси каби, бунда фақирилик семаси йўқолган.

Авлод сўзини ҳам мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Сабаби бу сўз ҳам араб тилида ўғил боланинг кўплик формаси яъни болалар (ўғил болалар) семасини ифодаласа, ўзлашиш натижасида отабободан қолган наслга нисбатан кўлланила бошланган. Мисол учун ЎТИЛ да бундай мисол келтирилади:

Аждодлар бўлмайди авлодсиз,  
Авлодлар зийнати аждодлар.

Мисол тариқасида устоз сўзини ҳам келтирадиган бўлсак, бу сўз ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган арабий сўз ҳисобланади, аслида бу сўз арабий ўзлашма эмас, яъни *عَسْطَوْز* “устоз” *عَسْطَوْز* “сўзининг этимологияси форс тилига бориб тақалади. Бу сўз аслида “устод” бўлиб, форс тилида “устоз, маҳоратли ўқитувчи ёки ҳунарманд” маъносини билдиради.

Сўзниң ривожланиши:

1. Ушбу сўз ислом даври бошида араб тилига форс тили орқали кириб келган.

2. Сўз араб тилида “устоз” шаклида талаффуз ва ёзувга мослаштирилган.

3. Араб тилида бу сўз ўқитувчи, университет профессори ёки ўз соҳасида мутахассис бўлган одам маъносида кўлланила бошлаган.

Ҳозирги замонда ишлатилиши:

• Сўз ҳозирда қуйидаги контекстларда ишлатилади:

• Олий ўқув юртлари ўқитувчиси (Профессор).

• Мактаб ўқитувчиси (Устоз).

• Санъат ёки адабиёт соҳасида маҳоратли мутахассис (Уста). Форс тилидаги илдизи:

• “Устод” сўзи форс тилида “уст” илдизидан келиб чиққан бўлиб, бу илдиз “асос” ёки “база” маъносини билдиради. Бу эса ўқитувчи ёки мутахассиснинг ўз соҳасидаги асосий ва муҳим ролини таъкидлайди. Бу дегани ўзбек тилидаги уста ва устоз сўзлари ўртасида боғлиқлик ҳам бор дегани. Бу сўз араб тилидаги кўплаб бошқа форсча сўзлар қаторида ўзлашган ва ҳозирги кунда ҳам кенг кўлланилади. Бу сўз асл араб сўзи эмаслигига яна бир далил шуки, асл араб тили сўзларида одатда “س” ва “خ” ҳарфлари битта сўзда жамланмайди!

Юқоридаги мисоллар қаторига кўпприк сўзини ҳам қўшиш мумкин. Кўппри ёки араб тилида "جَرْكٌ" (ўқилиши: кўбрі) сўзи Миср ва Судан араб лаҳжаларида "кўпприк" маъносини англатади. Бу сўзниг тарихи турк тилидаги "کۆپری" сўзига бориб тақалади ва у ҳам "кўпприк" деган маънони билдиради. Ушбу сўз 16-асрдан 20-асрғача давом этган Усмонийлар империяси даврида араб тилига кириб kelgan.Qisqacha тарихи:Усмонийлар империяси Миср ва бошқа араб мамлакатларини бошқарган даврда кўплаб туркча сўзлар араб тилига кириб келган. Айниқса, инфратузилма ва бошқарувга оид сўзлар арабча шеваларда кенг қўллана бошлаган. "Кўпри" сўзи ҳам шулар жумласидан. Араб тилига мослашуви: Аслида, араб тилида "кўпприк" маъносини билдирувчи" جَرْكٌ " (жиср) сўзи бор эди. Лекин, Миср араб шевасида "کُوچِرِي" кенг тарқалиб кетган ва халқ тилида қўлланадиган асосий сўзга айланган. Бошқа араб давлатларида эса "جَرْكٌ" кўпроқ қўлланилади. Ҳозирги кундаги қўлланилиши: Бугунги кунда "کُوچِرِي" сўзи Мисрда ва Суданда "кўпприк" дегандা ишлатиладиган асосий сўз бўлиб, йўл белгилари ва кунлик сұхбатларда кенг қўлланилади. Хулоса қилиб айтганда, "کُوچِرِي" сўзи турк тилидан олинган бўлиб, у араб тилида ўзига хос ўрин тутади ва Миср ҳамда Судан лаҳжаларида "кўпприк" маъносида кенг ишлатилади. Бу эса араб тили ҳам турк тилларидан сўз ўзлаштирганинг ёрқин мисоли ҳисобланади.

## Муҳокама

Арабча ўзлашмалар ўзбек тилининг лексик бойлигини шакллантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тарихий манбаларга кўра, араб тили билан тил алоқалари Ислом дини қабул қилинганидан сўнг янада фаоллашган ва натижада юзлаб сўзлар турли босқичларда ўзбек тилига кириб келган. Бу сўзларнинг аксарияти диний, илмий, маъмурий, ҳукуқий ва маданий контекстларда қўлланилган бўлиб, улар семантик жиҳатдан сезиларли ўзгаришларга учраган. Ушбу ўзгаришлар тилнинг табиий тараққиёти, ижтимоий-сиёсий омиллар, диний таъсиirlар ва маданий муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, семантик ўзгаришлар лексик бирликларнинг коммуникатив эҳтиёжга мослашуви натижасидир.

Таҳлил давомида аниқланишича, арабча ўзлашмаларнинг аксарияти фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзлаштирилган бўлса-да, семантик жиҳатдан улар янги контекста мослаштирилган, кўп ҳолларда эса синонимлар тармоғида ўз ўрнини топган. Бу эса тилимизда арабча ўзлашмаларнинг фақат пассив қатлам эмас, балки фаол ишлатилувчи қатламга айланганини кўрсатади.

## Хулоса

Ушбу тадқиқот орқали ўзбек тилидаги арабча ўзлашмалар кўп асрлик тарихий, маданий ва диний алоқалар натижасида шаклланганлиги, уларнинг нафақат фонетик ва морфологик, балки семантик жиҳатдан ҳам чукур ўзгаришларга учраганлиги аниқланди. Тадқиқотда аниқланганидек, арабча сўзлар ўзбек тилига кириб келгач, ўз маъноларини бутунлай сақлаб қолмаган, балки торайиш, кенгайиш, салбийлашув, ижобийлашув, нейтраллашув каби семантик ўзгаришларга дуч келган. Бу жараён тил тараққиётининг табиий қонуниятларига асосланади ва лексик бирликларнинг янги ижтимоий-маданий контекстларга мослашуви билан боғлиқдир. Арабча ўзлашмаларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги фаол қатламга айланishi уларнинг семантик ривожланишини доимий жараён сифатида кўрсатади. Тадқиқот натижалари шуни

кўрсатдики, арабча ўзлашмалар тилимизда нафақат тарихий ёдгорлик сифатида, балки амалдаги лингвистик восита сифатида ҳам муҳим ўрин эгаллади. Шу сабабли, бундай лексик бирликларнинг ўзгаришларини чукур илмий асосда ўрганиш, уларни замонавий тил тизимида тўғри талқин қилиш ва таҳлил этиш бугунги тилшунослик учун долзарб масаладир. Келгусида бу йўналишда янада кенгроқ корпугса асосланган тадқиқотлар олиб бориш, айниқса, матн лингвистикаси ва когнитив лингвистика нуқтаи назаридан ёндашувлар орқали арабча ўзлашмаларнинг семантик эволюциясини чуқурроқ очиб бериш мумкин. Биз юқорида семантик жиҳатдан ўзгаришга юз тутган айрим арабча ўзлашмаларга тўхтадлик холос, ўзбек тилида бундай арабча ўзлашмалар кўплаб учрайди.

## References

1. Абдурахмонов Ф. Ўзбек тилида арабча сўзлар. –Тошкент: Фан, 1995.
2. Абдуллаева М. Ўзбек тилида ўзлашмаларнинг семантик ўзгариши. –Тошкент: Фан, 2014.
3. Қаюмов А. Луғавий сўзлар тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
4. Мирзаева Д. Ўзбек тилидаги нейтраллашган ўзлашмалар. –Тошкент: Фан, 2019.
5. Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006.
6. Хидоятов А. Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг шаклланиш жараёнлари. –Самарқанд, 2009.
7. ЛЭС –Лингвистик Энциклопедик сўзлик. –Москва: Советская энциклопедия, 1990.
8. Versteegh, K. The Arabic Language. –Edinburgh: Edinburgh University Press, 2001.
9. Kaye, A. S. (Ed.). Semitic Studies in Honor of Wolf Leslau. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1987.
10. Ali, A.Y. Arabic Loanwords in Central Asian Languages. – Cairo: Al-Azhar University Press, 1991.